



ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАДБИРЛАРИНИНГ ТАСНИФЛАНИШИ

Бобомуродов Фарход Боймуротович

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академияси тезкор-қидирув фаолияти кафедраси
мустақил изланувчиси, Юридик фанлар бўйича фалсафа
доктори (PhD) E-mail: farhod86b@mail.ru
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7668628>

Аннотация: мақолада Украина, Қозоғистон, Россия, Қирғизистон, Литва, Тожикистон, Молдова, Беларусь ва Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун нормасидаги тезкор-қидирув тадбирларини таснифланишига кўра таҳлил қилиниб, илмий асосланган таклифлар билдирилган.

Таянч сўзлар: тезкор-қидирув фаолияти, тезкор-қидирув тадбирлари, тасниф, тезкор киритиш, ниқобланган операция.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида тадбир [ا.حدث - бошқариш, идора қилиш; тежамкорлик; чора илож, йўл-йўриқ; ҳаракат тарзи] Амалга ошириш, рўёбга чиқариш учун йўл-йўриқ ва чора; мақсадни амалга ошириш йўлидаги иш, хатти-ҳаракатнинг ўзи; маълум мақсадни ташкилий равишда амалга ошириладиган (бажариладиган) иш, ишлар¹ маъносида изоҳ берилган.

Ўзбекистон Республикаси “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунида 16 тезкор-қидирув тадбирларнинг номлари ва мазмуни баён этилган бўлиб, лекин тезкор-қидирув тадбирлари тушунчасига таъриф берилмаган. Тезкор-қидирув фаолияти соҳасида илмий изланишлар олиб борган айрим ҳуқуқшунос олимлар томонидан “тезкор-қидирув тадбирлари” тушунчасига турлича таърифлар берилган.

Жумладан, Б.Э. Закиров ва В.Каримовлар фикрича: “тезкор-қидирув тадбирлари институти тезкор-қидирув қонунчилигини амалга ошириш механизми ҳисобланиб, қонуннинг ўзаги, яъни асосий қисмини ташкил этади”² деб ҳисоблайди.

Мазкур масалада МДХ давлатларининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун нормалари ўрганилганда қуйидагилар маълум бўлди. Жумладан, Украина Республикаси “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунида тезкор-қидирув тадбирлари алоҳида норма билан

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 га яқин сўз ва сўз бирикмаси. Ж.Ш.Н– Тартибли/ Масъул муҳаррир А.Мадвалиев. – Т.: «Ozbekiston nashriyoti» давлат унитар корхонаси, 2020. – Б.636.

² Б.Э.Закиров, В.Г.Каримов. «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2013. – № 1. – Б. 22-27.





тартибга солинмаган. Тезкор бўлинмаларнинг ҳуқуқларида қуйидаги: “сўров; назорат остида етказиб бериш, ноқонуний хатти-ҳаракатлар фактларини аниқлаш ва ҳужжатлаштириш учун мулкчилик шаклидан қатъи назар, жисмоний ва юридик шахслардан эркин муомаласи тақиқланган товарлар, предметлар ва ашёларни назорат остида ва тезкор харид қилиш; тадбиркорлик фаолияти ёки хўжалик фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланувчи шахсларни якка тартибда, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш; жиноий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни қўлга олиш; жиноий ҳуқуқбузарликларга, хорижий давлатлар, ташкилотлар ва жисмоний шахсларнинг махсус хизматларининг разведка ва қўпоровчилик фаолиятига чек қўйиш бўйича операцияларни ўтказиш; Украина Жиноят-процессуал кодекси қоидаларига мувофиқ шахсни аудио ва видео назоратини ўтказиш, электрон алоқа тармоқлари, электрон ахборот тармоқларидан маълумотлар олиш; Украина ЖПКга биноан шахсни, нарсани, жойни кузатиш, шунингдек, жойни видеокузатиш; юридик ва жисмоний шахслардан, жиноий ҳуқуқбузарликлар, шу жумаладан жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид тўғрисида бепул ёки пуллик маълумот олиш”³ каби 11 та тезкор-қидирув тадбирларининг ўтказилиши тезкор бўлинмалардан шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш вазифасини юклайди.

Қозоғистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунида тезкор-қидирув тадбирлари умумий ва махсус тезкор-қидирув тадбирларига таснифланиб, умумий тезкор-қидирув тадбирларига: “шахсни сўров қилиш; тезкор-қидирув фаолиятида фойдаланишда фуқаролар билан ошкора ва ношкора муносабат ўрнатиш; киритиш; жиноят фаолиятга тақлид қилувчи хулқ-атвор моделини қўллаш; конспиратив корхоналар ва ташкилотларни яратиш; назорат остида етказиб бериш; шахсий ҳаёт дахлсизлигига, турар-жой, шахсий ва оилавий сирларнинг дахлсизлигини таъминлаб, шунингдек, шахсий депозит, жамғармалар, ёзишмалар, телефон суҳбати, почта, телеграф ва қонун билан ҳимояланган бошқа хабарларни техник воситалардан фойдаланиб текшириш; маълумотлар тўплаш; намуна олиш; тезкор харид; қидирув итларидан фойдаланиш; шахснинг белгилари бўйича излаш ва шахсини аниқлаш; ахборот тўпловчи ноқонуний қурилмани излаш; ҳуқуққа хилоф ҳаракат изини ношкора олиш, қайд этиш, уларни

³ Закон Республики Украины от 18 февраля 1992 г. № 2135-ХІІ «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <http://online.zakon.kz>. (мурожаат вақти: 08.02.2023).





дастлабки ўрганиш; жиноятга тайёрланаётган, содир этаётган ёки содир этган шахсни таъқиб қилиш ва уни ҳибсга олиш; гувоҳлар иштирокида ҳибсга олинган шахсни шахсий тинтув қилиш ва улардан жиноий фаолият билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган нарса ва ҳужжатларни олиб қўйиш, шунингдек турар-жой бинолари, иш жойлари, бошқа жойларни, транспорт воситаларини текшириш; қуролланган жиноятчиларни қўлга олиш бўйича операцияларни ўтказиш; кузатиш; махсус тезкор-қидирув тадбирларига: “ноошкора шахсни ёки жойни аудио ёки видео назорат қилиш; ноошкора усулда электр (телекоммуникация) алоқа тармоқлари орқали узатиладиган маълумотларни ушлаб қолиш ва назорат қилиш; абонентлар ва (ёки) абонент қурилмалари ўртасида боғланишлар ҳақида ахборот олиш; ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш ва сақлаш учун мўлжалланган компьютер, серверлар ва бошқа қурилмалардан маълумотларни ноошкора олиш; почта ва уларнинг жўнатмаларини ноошкора назорат қилиш; ноошкора жойларга кириш ёки кўздан кечириш”⁴ кабилар белгилангани, тезкор бўлинмалар томонидан 18 та умумий ва 6 та махсус тезкор-қидирув тадбирлари амалга оширилишини таъкидлаш мумкин.

Россия Федерациясининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунида: “сўров, маълумотлар тўплаш; қиёсий текширув учун намуналар олиш; текширув учун харид қилиш қилиш; предмет ва ҳужжатлар ўрганиш; кузатиш; шахснинг айнанлигини аниқлаш; бинолар, иншоотлар, жойнинг участкалари ва транспорт воситасини текшириш; почта жўнатмалари, телеграф хабарларини назорат қилиш; телефон сўзлашувларини эшитиш; алоқанинг техник каналларидан ахборот олиш, тезкор киритиш, назорат остида етказиб бериш, тезкор эксперимент, компьютер маълумотини олиш”⁵ каби 15 та тезкор-қидирув тадбирлари назарда тутилган бўлиб, ушбу тадбирлар рўйхатига федерал қонун билан ўзгартириш киритиш мумкинлиги белгиланган. Шунингдек ушбу қонунда тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш ахборот тизимлари, видео ва аудио ёзувлар, кино ва фотосуратлар, шунингдек, одамлар ҳаёти, соғлиғига ва атроф-муҳитга зарар етказмайдиган техник воситалардан фойдаланиш, почта, телеграф ва бошқа хабарларни назорат қилиш, мулкчилик шаклидан қатъий назар, алоқа воситаси мулоқоти хизматини

⁴ Закон Республики Казахстан от 15 сентября 1994 г. № 13 «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <https://online.zakon.kz>. (мурожаат вақти: 08.02.2023).

⁵ Федеральный закон Российской Федерация от 12 августа 1995 года № 144-ФЗ «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <http://www.Consultant.ru>. (мурожаат вақти: 08.02.2023).






тақдим этувчи корхона, муассасалар ва ташкилотларнинг станция қурилмаларига уланган ҳолда телефон сўзлашувларини эшитиш, алоқанинг техник каналларидан ахборот олиш, компьютер маълумотини олиш билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбирлари федерал хавфсизлик хизмати, ички ишлар органларининг тезкор-техник кучлари ва воситаларидан фойдаланган ҳолда идоралараро норматив ҳужжатлар ёки ТҚФни амалга оширувчи органлар ўртасидаги келишувларга мувофиқ амалга оширилиши каби қоидаларнинг белгилангани, ушбу махсус тезкор-қидирув тадбирларни амалга оширишда ички ишлар ва давлат хавфсизлиги хизмати энг асосий субъект эканлигидан далолат беради.

Қирғизистон Республикаси “Тезкор фаолияти тўғрисида”ги қонунида: “ 1) фуқароларни сўров қилиш; 2) маълумотлар тўплаш; 3) қиёсий текширув учун намуналар олиш; 4) текширув учун харид қилиш; 5) предмет ва ҳужжатларни текшириш; 6) назорат остида етказиб бериш (текшириш учун етказиб бериш); 7) шахснинг айнанлигини аниқлаш; 8) бинолар, иншоотлар, жойнинг участкалари ва транспорт воситаларини текшириш; 9) почта жўнатмалари, телеграф хабарларини назорат қилиш; 10) телефон ва бошқа алоқа қурилмалари орқали ўтказилган сўзлашувларини эшитиш ва ёзиб олиш; 11) алоқанинг техник каналларидан ахборот олиш; 12) конспиратив корхона ва ташкилотни яратиш; 13) тезкор киритиш; 14) тезкор кузатув; 15) тезкор эксперимент; 16) тезкор аниқлов; 17) техник воситаларни қўллаб шахсий ҳаёт дахлсизлигига, уй-жой, шахсий ва оилавий сирларнинг дахлсизлигига таъсир қилмайдиган маълумотларни, шунингдек шахсий депозитлар ва жамғармалар, ёзишмалар, телефон суҳбатлари, почта, телеграф хабарларини олиш; 18) ахборот олувчи ноқонуний техник воситаларни излаш; 19) алоқа каналлари ва тармоқларида тезкор излов; 20) ношкора сўзлашувларини эшитиш ва ёзиб олиш (аудио, видео қурилмалари ва махсус техник воситасидан фойдаланган ҳолда); 21) абонентлар ва (ёки) абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида маълумот олиш”⁶ каби тезкор-қидирув тадбирлари белгиланиб, ушбу тадбирларни ташкил этиш ва тактикаси давлат сирини ташкил этади.

Литва Республикасининг “Тезкор фаолияти тўғрисида”ги қонунида тезкор фаолиятнинг қуйидаги: “тезкор сўров; тезкор кўздан кечириш;

⁶ Закон Кыргызской Республики от 16 октября 1998 года № 131 «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <http://cbd.minjust.gov.kg/> (мурожаат вақти: 08.02.2023).





тезкор кузатув; агентура усули, электрон разведка”⁷ каби 6 та усуллар белгиланиб, ушбу усулларни ҳар бирига ҳуқуқий таъриф берилган. Шунингдек, ваколатли орган (суд, прокурор)нинг рухсати (санкцияси)асосида бошқа тезкор тергов ишлари амалга оширилади. Масалан, жиноий ҳаракатга тақлид модели, назорат остида етказиб бериш; почта, реклама почтаси, почта ҳужжатларини етказиб бериш каби тезкор тергов ишларини амалга оширишда санкция олинishi талаб этилади. Бундан ташқари, ушбу қонунда назарда тутилган вазифаларни бажариш учун тузоқ, махфий операция каби тезкор ҳаракатлар амалга оширилади.Содда қилиб айтганда Литва қонунчилигига кўра, тезкор-қидирув тадбирлари усуллар, тезкор тергов, тезкор ҳаракатлар орқали амалга оширилади.

Тожикистон Республикаси “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунининг асосий тушунчаларидан сифатида: “тезкор сўров; маълумотлар тўплаш; қиёсий тадқиқотлар учун намуналарни тезкор йиғиш; шахсий изқуварлик; текшириш учун тезкор харид қилиш; предметларни, ҳужжатларни ва объектларни тезкор ўрганиш; тезкор кузатув; шахсининг ёки объектнинг айнанлигини тезкор аниқлаш; уй-жой, бинолар, иншоотлар, ер майдони ва транспорт воситаларини тезкор текшириш; почта жўнатмалари, телеграф хабарини тезкор назорат қилиш; телефон сўзлашувларини эшитиш ва ёзиб олиш; алоқанинг техник каналидан ахборот олиш, тезкор киритиш; назорат остида етказиб бериш; тезкор эксперимент; компьютер маълумотини олиш; юридик шахсни ташкил этиш”⁸ каби 17 та тезкор-қидирув тадбирлари белгиланган.

Молдова Республикасининг “Махсус-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунида махсус-қидирув тадбирлари уч гуруҳга таснифланиб, 1-гуруҳга: прокурор илтимосига биноан суднинг рухсати асосида 7 та яъни, турар жойларни, бино, иншоотларга аудио, видео, фото ва кино қурилмаларини ўрнатиш; қайд этувчи тезкор-техник воситалардан фойдаланиб турар жойларни кузатиш; хабарлар ва расмларни тўсиб қолиш ва қайд этиш; почта жўнатмаларини олиб қўйиш, кўздан кечириш, қайд этиш ва сақлаш, телеграф ва электрон алоқа билан боғлиқ уланишларни мониторинг қилиш; молиявий операцияларни мониторинг ёки назорат қилиш ва молиявий маълумотларга кириш; техник усуллар ва воситалардан

⁷ Закон Литовский Республики от 20 июня 2002 г. № IX-965 Вильнюс «Об оперативной деятельности» // Электрон манба: <https://e-seimas.lrs.lt/> (мурожаат вақти: 08.02.2023).

⁸ Российская Республика Таджикистан от 25 марта 2011 года № 687 «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <http://www.ncz.tj/content> (мурожаат вақти: 08.02.2023).





фойдаланиб, шунингдек глобал жойлашишини аниқлаш тизими (GPS) ва бошқа техник воситасида кузатиш; электр алоқа хизмат кўрсатувчи ташкилотдан маълумот тўплаш; 2-гурухга: прокурорнинг рухсатига билан 9 та яъни, электрон алоқа тизимининг абонентини, эгасини ёки фойдаланувчисини ёки ахборот тизимига кириш нуқтасини аниқлаш; визуал кузатиш; товламачилик йўли билан олинган пул ёки бошқа моддий бойликни ўтказилишини назорат қилиш; ниқобланган қидирув фаолияти; трансчегаравий назорат; назорат остида етказиб бериш; қиёсий ўрганиш учун намуналар тўплаш; объектлар ва ҳужжатларни текшириш; назоратли харид; 3-гурухга: идоравий назоратни амалга оширувчи раҳбарининг рухсати билан 3 та яъни, сўров; шахс ва қилмиш ҳақида маълумот тўплаш; шахснинг айнанлигини аниқлаш”⁹ каби жами 19 та махсус-қидирув тадбирлари белгиланганидан, қидирув офицерида махсус-қидирув тадбирини бевосита мустақил амалга ошириш ваколатини йўқлиги, идоравий, прокурор, суд назоратининг ўрнатилганлигини тушуниш мумкин.

Беларусь Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунида: “тезкор сўров; маълумотлар тўплаш; намуналар йиғиш; компьютер маълумотлари, предмет ва ҳужжатларни текшириш; шахснинг айнанлигини аниқлаш; тезкор кўздан кечириш; кузатув; текшириш учун харид қилиш; назорат остида етказиб бериш; овоз назорати; телекоммуникация тармоғида назорат; почта жўнатмаларини назорат қилиш; тезкор киритиш; тезкор эксперимент”¹⁰ каби 14 та тезкор-қидирув тадбирлари кўрсатилган бўлиб, ушбу тадбирларнинг ҳар бирига ҳуқуқий жиҳатдан таъриф берилган.

Маълумки, ТҚФ тўғрисидаги қонунида 16 та (сўров; маълумотлар тўплаш; қиёсий текширув учун намуналар йиғиш; текшириш учун харид қилиш; назорат остида олиш; предметларни ва ҳужжатларни текшириш; тезкор кузатув; шахснинг айнанлигини аниқлаш; турар жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини, техник ва транспорт воситаларини текшириш; почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарини назорат қилиш; телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни

⁹ Закон Республики Молдова от 29 марта 2012 года №59 «О специальной розыскной деятельности» // Электрон манба: <https://base.spinform.ru> (мурожаат вақти: 08.02.2023).

¹⁰ Закон Республики Беларусь от 15 июля 2015 года №307-3 «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <https://base.spinform.ru/> (мурожаат вақти: 08.02.2023).





олиш; абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олиш; тезкор киритиш; назорат остида етказиб бериш; ниқобланган операция; тезкор эксперимент)¹¹ тезкор-қидирув тадбирлари кўрсатилган бўлиб, ушбу тадбирларни амалга ошириш хусусиятидан келиб чиққан ҳолда қонунда таснифланмаган.

МДҲга аъзо 8 та давлатларнинг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида” қонун нормасида назарда тутилган тезкор-қидирув тадбирларини Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида” қонунида назарда тутилган тезкор-қидирув тадбирларнинг турлари ва мазмун-моҳияти таҳлил қилинганида биринчидан, ушбу тезкор-қидирув тадбирларнинг тури 14 тадан 24 тагача белгилангани; иккинчидан, Қозоғистон, Молдовада тезкор-қидирув тадбирлари таснифлангани; учинчидан, ниқобланган операция, ниқобланган қидирув фаолияти тадбири Ўзбекистон ва Молдова қонунларида борлигини таъкилаб ўтиш жоиздир.

Молдова қонунида ниқобланган қидирув фаолияти тезкор киритиш тезкор-қидирув тадбирининг мазмун-моҳиятини ташкил этишини инобатга олганда, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунда назарда тутилган тезкор киритиш ва ниқобланган операция тезкор-қидирув тадбирларини бирлаштирилиши ва тезкор-қидирув тадбирларини ўтказилиш хусусиятидан келиб ҳолда таснифланиши (гуруҳланиши) мақсадга мувофиқдир.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги 344-сон “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни // Электрон манба: <https://lex.uz/> (мурожаат вақти: 08.02.2023).

